ILM-FAN XABARNOMASI, SCIENCE BULLETIN, ВЕСТНИК НАУКИ.
ISSN: 3030-3931, Impact factor: 7,241 Volume 10, issue 2, Noyabr 2025
https://worldlyjournals.com/index.php/Yangiizlanuvchi worldly knowledge
OAK Index bazalari : research gate, research bib.
Qo'shimcha index bazalari: zenodo, open aire. google scholar.

БУХОРО ВОХАСИДА ҚУРИЛАЁТГАН ТУРАРЖОЙЛАРНИНГ ИҚЛИМ ТАЪСИРИДА ТУРЛАРГА БЎЛИНИШИ ВА УЛАРНИНГ ФАРҚЛАРИ

Юнусов Шокир Маматович
Бухоро Давлат Техника Университети "Муҳандислик" факултети, "Архитектура" кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Бухородаги қурилаётган ҳовли уйларининг меъморий дизайни, шунингдек, Бухоро воҳасининг иссиқ ва жабирама иқлимининг турар-жой биноларига таъсири кўриб чиқилади. Тупроқнинг шоурангани ва воҳанинг иқлим шароитига таъсири ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: иқлим таъсири, турлар, иқлим шароити, фарқлар, қурилиш, атмосфера таъсири, соглом муҳит, инфратузилма.

Аннотатсия. В статье рассматривается архитектурное формирование строящихся в Бухаре домов с дворами, а также влияние жаркого и знойного климата Бухарского оазиса на жилые постройки. Обсуждается воздействие засоленности почв и климатических условий оазиса на строительство жилых домов.

Ключевые слова: влияние климата, типы, климатические условия, различия, строительство, атмосферное влияние, здоровая среда, инфраструктура.

Annotation. The article examines the architectural formation of houses with courtyards being built in Bukhara, as well as the influence of the hot and arid climate of the Bukhara oasis on residential buildings. The impact of soil salinity and the climatic conditions of the oasis on the construction of residential houses is also discussed.

Key words: climate influence, types, climatic conditions, differences, construction, atmospheric influence, healthy environment, infrastructure.

Кириш

Muhtaram Prezidentimizning Oliy Majlisga Murojaatnomasida "mahalla – jamiyatimizning yorug' yuzi va vijdoni ko'zgusi" desak, to'g'ri bo'ladi[1] degan so'zlari o'z navbatida O'zbekistondagi an'anaviy turarjoylarni o'rganish, ularni bugungi holatini tadqiq etish va qayta tiklash usullarini zamonaviy talablardan kelib chiqqan holda takomillashtirish naqadar dolzarb ekanligini ko'rsatib turibdi.

Асосий қисм.

Бухоро воҳаси иқлими Ўзбекистон Республикасининг бошқа жойларига нисбатан, ёзи иссиқ, қиш вақтлари совуқ, шамол ва гармселлар эсиб турувчи континентал ўзгарувчан ҳудуд ҳисобланади. Ер майдонларининг шўрланиш фоизи ҳам, бошқа ҳудудларга қараганда анча юқори. Шу сабабли воҳада қуриладиган тураржойлар бир-биридан фарқ қилган. Асосан қуриладиган тураржойлар, маҳаллий қурилиш материаллардан, ёғоч ва чўп каркасли "Чўпкори" (1 - расм), ҳамда пишитилган лойлардан қурилган "Пахса"

[1] https://president.uz/uz/lists/view/4057

ISSN: 3030-3931, Impact factor: 7,241 Volume 10, issue 2, Noyabr 2025
https://worldlyjournals.com/index.php/Yangiizlanuvchi worldly knowledge
OAK Index bazalari : research gate, research bib.
Qo'shimcha index bazalari: zenodo, open aire. google scholar.

деворли уйлардан иборат бўлган[2] (2 - расм) Воха ҳудудида турар жойларни қуришда, иқлимнинг таъсири ва тупроқларнинг шўрланиш даражаларини ўрганиб чиқиб, тураржойлар лойиҳаларини шу ҳудудга мос ҳолда бажарилиш меъзонини билиш лозим.

Эшик ва дераза жойлари қолдирилган

"чўпкори" уйнинг девор каркаси.



1-расм

1-сарров(заварров); 2-устунлар; 3-тагсинч; 4-пойдевор; 5-ховонлар(ховонда); 6-синчлар; 7-кашак; 8-дераза ўрни; 9-эшик ўрни.

[2] Юнусов Ш.М. диссертация "Бухоро вохасида ҳовлили тураржойлар типология ва тенденцияси" Тошкент-2024й. 70-бет.

ISSN: 3030-3931, Impact factor: 7,241 Volume 10, issue 2, Noyabr 2025
https://worldlyjournals.com/index.php/Yangiizlanuvchi worldly knowledge
OAK Index bazalari : research gate, research bib.
Qo'shimcha index bazalari: zenodo, open aire. google scholar.

2-расм. Бухоро вохасида азалдан кам қаватли уй-жойлар қурилиши, ягона ҳовлига эга бўлган, икки ҳовлили тенденцияда қурилган. Вохада уй-жойлар қурилишлари, туманлараро бир-биридан фарқ қилган. Жумладан, **Қоракўл, Олот, Пэшкў ва Жондор туманининг ғарбий қисмида** қурилган уйлар (бундан кейин матнда I гуруҳ деб ўқилади). **Бухоро, Ромитан, Когон, Вобкент, Қоравулбозор ва Ғиждувон туманларида** қурилган уй-жойлардан (бундан кейин матнда II-гуруҳ деб ўқилади) фарқ қилган. Вилоятнинг схематик харитасида I,II- гуруҳлар чегаралари кўрсатилган. (3-расм)

I-гуруҳ ҳудудининг иқлим шароити, II-гуруҳ иқлим шароитидан фарқ қилиб тураржойлар қурилишига ўз таъсирини кўрсатган. (1-жадвал).



3-расм

Воҳанинг иқлими: Вилоят ҳудуди Ўзбекистон Республикасининг жануби - ғарбида Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида, жануби - ғарбий Қизилкум чўл масканида жойлашган. Вилоят ҳудуди тўлалигича чўл зонасида жойлашганлиги, маҳаллий суғориш сув манбааларига эга эмаслиги, бунинг устига дарёнинг қуйи қисмида бўлиши ўлка табиатининг салбий сифатлари саналади. Умуман олганда, вилоят иқлими ресурс сифатида бебаҳо табиий бойликдир. Айниқса қуёшли дамларининг, фойдали ҳароратнинг етарлича бўлиши ўлка иқлимининг ижобий сифатлари ҳисобланади. I-гуруҳ ҳудуди учун субтропик белгиларга хос бўлган кескин континентал чўл иқлими характерлидир. Кеча билан кундуз, қиш билан ёз ҳароратлари ўртасидаги кескинлик, нисбатан сернам, инжиқли баҳор, узоқ, қуруқ жазирама иссиқ, ўта ёруғ ёз, кузи эса илиқ қисқа ва турғунсиз. Қишда аёзли, муқим бўлмаган қиш, асосий белгиларидан биридир.

*"Вилоятда энг совуқ муддат январ, энг иссиқ ой эса июл ойларидир. Ўртача йиллик ҳарорат Бухорода **14.2**, Қорақўлда **15.0** даражага тенг. Аммо ҳаво ҳароратининг йил давомида ўзгаришидаги фарқ (амплитуда) жуда катта - **68 - 72** даражани ташкил қилади."* [2]

ISSN: 3030-3931, Impact factor: 7,241 Volume 10, issue 2, Noyabr 2025
https://worldlyjournals.com/index.php/Yangiizlanuvchi worldly knowledge
OAK Index bazalari : research gate, research bib.
Qo'shimcha index bazalari: zenodo, open aire. google scholar.

Вилоят иқлимида маҳаллий шамолларнинг алоҳида ўрни катта. Шамолнинг таъсири айнан чўл зонасида кучли намоён бўлади. Вилоят ҳудудида шамоллар аксарият шимол томондан эсади. Баъзида вилоят ҳудудида қора совуқлар, сел ва дўл ёғиши, ёзги гармселлар, чанг - тўзонли шамоллар ўта аёзли қаҳратон қишлар каби офатли иқлимий ҳодисалар (2020 йил қишида Олот ва Қоракўл туманларида бўлиб ўтган кучли тўфон) ҳам бўлиб туради. **2021 йил июл ва август ойларида "Бухоро" ва "Қоракўл" метеостанция ларидаги иқлим ўзгаришлари кўрсатгичлари[3].**

1-жадвал

Декада (10 кун)	"Бухоро" метиостанцияси		"Қоракўл" метиостанцияси		Метиостанциялар кўр сатгичларидаги фарқлар	
	Шамол тезлиги м/сек	Ҳаро рат C^0	Шамол тезлиги м/сек	Ҳаро Рат C^0	Шамол тезлиги м/сек	Ҳарорат C^0
Июл						
I	12	34	10	33.9	**2**	**0.1**
II	14	29.6	18	29.9	**4**	**8.0**
III	14	30	19	30.5	**5**	**0.5**
Август						
I	13	31	14	31.9	**1**	**0.9**
II	15	26.8	13	27.9	**2**	**1.1**
III	14	26	14	27.1	**0**	**1.1**

("Қоракўл" метеостанцияда I гуруҳга қарашли бўлган, Қоракўл, Олот, Пэшкў ва Жондор туманининг ғарбий қисмидаги иқлим ўлчамлари берилган, Бухоро метеостанциясида, II гуруҳга қарашли бўлган, "Бухоро", Ромитан, Когон, Вобкент, Қоравулбозор ва Ғиждувон туманлари иқлим ўлчамлари берилган**)** **I-гуруҳга** тегишли ҳудудларда уй-жойлар қурилиши, уй-жойлар қурилишидаги миллий тенденцияни сақлаган ҳолда, икки ҳовлили қилиб қурилган Ҳозирги давргача (1970-1975йилларгача) икки ҳовлили уйларда дарвозахона қурилмасдан, балки фақат ҳовлига кириш учун дарвоза қурилган. Мавжуд шарт-шароитдан келиб чиқиб, ер майдонларидан унумли фойдаланиш мақсадида, ташқари ҳовли ўрнига дарвозахоналар қурилиши амалга оширилаяпти. Дарвозахоналар ташқи ҳовли вазифасини бажаради, унда алоҳида меҳмонларни кутиб олиш, қўл ювиш, ҳожатхона ва барча зарурий хоналар кўзда тутилган. Ичкари ҳовли ташқари ҳовлидан ажратилиб, унда оғилхона ва хўжалик хоналарига чиқиш қулайлик билан жойлаштирилган. Ичкари ҳовлилар асосан яшаш хоналарга нисбатан жануб томонда жойлаштирилган. Ушбу

[3] Ушбу жадвал Ўзбекистон Республикаси фавқулотда вазиятлар вазирлиги Гидрометириология хизмати Бухоро вилояти бўлимидан олинган маълумотлар асосида тузилди.

ISSN: 3030-3931, Impact factor: 7,241 Volume 10, issue 2, Noyabr 2025
https://worldlyjournals.com/index.php/Yangiizlanuvchi worldly knowledge
OAK Index bazalari : research gate, research bib.
Qo'shimcha index bazalari: zenodo, open aire. google scholar.

ҳудудларда об-ҳаво бошқа ҳудудларга нисбатан иссиқ ва шамоллар кўплиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув рессурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 39-сонли қарорида кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Республиканинг суғориладиган тупроқларининг (асосан қурилиш ишларига ишлатиладиган тупроқлар) шўрланиш даражасини аниқлаш ва харитага тушириш ишлари бажарилган. (2-жадвал).

Бухоро вилояти суғориладиган тупроқларининг шўрланиш ҳолати ва тавсифи 2-жадвал

Туманлар номи		Суғориладиган ер майдони га.	Шўрланган ерлар		Ўртача, кучли ва жуда кучли шўрланган ерлар		
					Жами суғориладиган майдонларга нисбатан		Жами шўрланган майдонларга нисбатан
			га	%	га	%	%
1	Бухоро	22860.9	22690.7	99.3	6690.4	29.3	29.5
2	Вобкент	20182.0	14644.8	72.6	3373.3	16.7	23
3	Жондрор	28070.8	28017.3	99.8	17436.1	62.1	**62.2**
4	Ғиждувон	20032.0	13367.7	66.7	3326.7	16.6	24.9
5	Когон	16845.0	11839.2	70.3	4140.1	24.6	35.0
6	Олот	17218.0	13233.1	76.9	8754.4	50.8	**66.2**
7	Қоравулбозор	15280.0	11308.6	74.0	3676.9	24.1	32.5
8	Пешку	18685.0	14124.3	75.6	5849.1	31.3	**41.4**
9	Ромитон	22948.0	22948.0	100	9106.5	39.7	39.7
10	Қоракўл	19462.7	19105.7	98.2	7767.2	39.9	**40.7**
11	Шофиркон	23054.8	20754.3	90.0	2732.4	11.9	13.2
12	Бухоро шаҳри	1759.1	733.2	41.7	47.8	2.7	6.5

2-жадвал бўйича **I-гурухга** киритилган ҳудудларда тупроқ шўрланиши юқори. Ушбу гурухга кирган ҳудудларда пахса уйлар иложи борича кам қурилган. Бундан ташқари чанглардан ва иссиқ гаремсел шамоллардан сақланиш мақсадида, асосий уйга кириш "пойгак" хоналар (тамбур) орқали бажарилган. Пойгак хоналар, оёқ кийимларининг ечилиш жойи бўлиб, хоналар

ва даҳлиз саҳнидан бир мунча пастроқ, (50-80мм) чуқурроқ қилиб қурилган У ерда қўл ювиладиган махсус жой-ташнав бўлган. Ҳозирги вақтда пойгак хоналар даҳлиз ва айвонларга қўшилиб кетган.

Хулоса:

ISSN: 3030-3931, Impact factor: 7,241 Volume 10, issue 2, Noyabr 2025
https://worldlyjournals.com/index.php/Yangiizlanuvchi worldly knowledge
OAK Index bazalari : research gate, research bib.
Qo'shimcha index bazalari: zenodo, open aire. google scholar.

Бухоро вохасининг иқлими Республикамизнинг бошқа ҳудудлари иқлимидан кескин фарқ қилишини инбоатга олиб;

1. Тураржойларни, бино иншоотларни лойиҳалашда иқлим ўзгаришларини инобатга олиш,
2. Лойиҳалаш ишларида ернинг таркибини, структурасини, қурилаётган ҳудулар кесимида ўрганиб чиқиш,
3. Қурилаётган ҳудуднинг вертикал (тик) режасини ишлаб чиқишда, унинг ер ости зах сувларини қочириш тадбирларини ишлаб чиқиш, дренаж усулларидан фойдаланиш каби бирнеча тадбирларни ишлаб чиқиш лоим.

Келтирилган атамалар;

- **Пахса –** пишитиб ишланиб, бироз тиндирилган лойдан қурилган девор.
- **Чўпкори –** каркаси ёғоч материаллардан ишланиб, қаламалар орасига терилган ва панжакаш қилинган девор.
- **Панжакаш –** сомонли лойни деворга суваб панжа изларини қолдирган сувоқ.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ёзил Хайитов профессор БухДУ. "Бухоро вилоятининг географик ўрни ва иқлими" мақола 2023-Бухоро
2. Юнусов Ш.М. диссертация "Бухоро вохасида ҳовлили тураржойлар типология ва тенденцияси" Тошкент-2024й. 70-бет.
3. Ҳерман Вембери. Бухоро ёхуд Мовараннаҳр тарихи. Тошкент Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1990
4. Т.А.Низамов. "Архитектурно-планировочные особенности проектирования жилых зданий в условиях жаркого климата" Монография. Ташкент 2015 год.